

Фикҳ дарслари (135-дарс). Ислом беш нарсага бино қилинган...



17:00 / 06.05.2021 2865

Намоз араб тилида «салот» дейилиб, луғатда «яхшиликка дуо» маъносини англатади.

Шариатда эса: такбир ила бошланиб, салом бериш ила тугайдиган, махсус шартлари бор гаплар ва ишлар намоздир.

Намоз Исро кечасида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан олдинроқ фарз бўлган.

هَوَّلَ الْعَلَلِ الْيَصُّبُّنِ الْيَلَعُ تَضْرُفُ: لِقِ اِقْ هُنَّ عُلَلِ الْيَضْرِ سَنًا نَّعْ
تَلْعُ جِ تَحْ تَصْرُقُنْ مُثْ، نِي سَمَخُ تَاوَلْ صِلَا وَبِ كَرْسَا أَلْيَلِ مَلَسَا
سَمَخْلَا وَدَوْبَ كَلْ نَاوُ، يَدَلْ لُوقُلْ لُدْبِي الْهْنُ اِدْمَخْمُ أَي: يَدُونْ مُثْ، أَسْمَخْ
يَرَاخُ بَلَا اَلْ أَسْمَخْلَا هَاوْرَ نِي سَمَخْ:

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Исро қилдирилган кечада эллик вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра қисқартирилиб, беш вақтга келтирилди. Кейин эса:

«Эй Муҳаммад, албатта, Менинг ҳузуримда гап ўзгартирилмас. Албатта, сенга ушбу бештада элликтанинг (ажри) бор», деб ниҳо қилинди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Беш вақт намознинг фарзлиги Қуръонда ҳам, Суннатда ҳам, ижмоъда ҳам қайта-қайта таъкидланган.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

إِذَا فُجِّبَ مِنْكُمْ فِي الْعَرَةِ وَالْأَنْثَىٰ وَالْحَائِضِ فَادْفَعُوا إِلَيْهَا مَا كَتَبَ اللَّهُ عَلَيْهَا مِنَ الْعَرَةِ وَالْأَنْثَىٰ وَالْحَائِضِ مِمَّا كَتَبَ اللَّهُ عَلَيْهَا

«Албатта, намоз мўминларга вақти тайин фарз бўлгандир», деган (103-оят).

Аллоҳ таоло Баййина сурасида:

وَالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ وَالْحَقِّ وَالْوَعْدِ وَأَنْ يَدْعُوا إِلَىٰ دِينِ اللَّهِ بِمَا كَانُوا عَلَىٰ حَقٍّ

«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳга, динни Унга холис қилган, бошқадан унга бурилган ҳолда ибодат қилишга, намозни тўқис адо этишга, закот беришга буюрилган эдилар, холос. Ана шу тўғри(миллат)нинг динидир», деган (5-оят).

وَالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ وَالْحَقِّ وَالْوَعْدِ وَأَنْ يَدْعُوا إِلَىٰ دِينِ اللَّهِ بِمَا كَانُوا عَلَىٰ حَقٍّ

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ислом беш нарсага бино қилинган: «Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур-Расулуллоҳ», деб шаҳодат келтириш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Ислом умматининг барчаси беш вақт намоз фарз эканига доимий равишда ижмоъ қилиб келган.

Намоз балоғатга етган ҳар бир мусулмон учун фарзи айнидир. Ҳар ким ўзи учун намоз ўқимоғи фарздир. Ким намозни инкор қилса, Исломдан чиқиб,

кофир бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди